

---

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИ БАҒДОД ТУМАНИДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

Бугун, 20 июнь куни Бағдод туманидаги Конизар МФЙда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари бўйича оммавий сайёр қабули бўлиб ўтди.

Сайёр қабулда вилоят ҳокимлигининг барча бўлим ва бошқармалари, давлат ва тижорат банклари мутасадди раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Шу куни вилоят ҳокимининг қабулида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган 50 нафардан ортиқ жисмоний ва юридик шахслар иштирок этиб, улар томонидан билдирилган турли йўналишдаги масалалар ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Фуқаролар томонидан уй-жой олиш, моддий ёрдам, ишга жойлашиш, соғлигини тиклаш, маҳалла йўлларини асфальтлаш, контракт тўловида ёрдам, автокредит олиш каби масалалар, бундан ташқари бошқа соҳаларга доир мурожаатлар билдирилди.

Вилоят ҳокими сайёр қабул давомида аҳоли вакиллари томонидан билдирилган масалаларга аниқ ва тезкор чоралар кўриш бўйича тегишли идора раҳбарларига топшириқлар берди.

Ёзёвон туманидан келган Барчиной Рустамова вилоят раҳбарига соғлигини тиклаш ва уй-жой масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат қаноатлантирилди, яъни фуқаронинг соғлигини тиклаш учун йўлланма ва туман масъуллари кўмагида 1 хонали уй, айвони билан қуриб берилдиган бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),  
2021-06-20 17:03:18